

ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг газетаси


19 МАЙ, ЧОРШАНБА № 96 (601).
1993 йил.
Сотувда эркин нархда.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Чехия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчисидан ишонч ёрлиғини қабул қилди

18 май кuni Чехия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рудольф Сланский мамлакатимиз Президентни Ислам Каримовга ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи ўзининг янги вазифасини Ўзбекистон раҳбари ва мамлакат халқиغا Чехия Президенти саломини ҳамда эзгу тилакларини етказиш билан бошлаганидан мамнуният изҳор этди. У мустақилликка эришган Ўзбекистон билан Чехия Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш учун куч-ғайрат сарф этишини маълум қилди.

Сланскийни бундай маъсулятчи вазифани бажаришга киришадигани билан қутлар экан, унинг саъй-ҳаракатлари мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техник ҳамкорлигини янги bosqichga кўтаришга кўмаклашади, деб умид билдириди.



СУРАТДА: Ишонч ёрлиғи топшириляётган пайт. Р. ШАГАЕВ олган сурат. (ЎзА).

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЧЕХИЯ РЕПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ

Рудольф СЛАНСКИЙ



Сланский Рудольф 1935 йил 6 февралда Прага шаҳрида туғилган. Меҳнат фаолиятини заводда қўрилловчиликдан бошлади. Ишлаб туриб гимназия ва Чехия олий техника билимгоҳи машинасозлик факультетини «Иқтисод ва меҳнатни ташкил этиш» ихтисослиги бўйича битирди. Прагадаги ЧКД заводда турли хўжалик лавозимларида ишлади. 1969 йили «Прага баҳо-

ри» ишлохотларида иштирок этгани учун Чехословакия коммунистик партияси аъзолигини ўчирди. Шу вақтдан бошлаб турли техник лавозимларда ишлади, маюлана илмий билан шуғулланди. 1977 йилда «Хартия 77»га имзо чекиди.

Чехословакиянинг ташқи, ички ва иқтисодий сиёсати масалалари бўйича бир қатор асарлар муаллифи.

1990 йилнинг 23 февралдан 1992 йилнинг 31 декабригача ЧСФРнинг СССРдаги, кейинчалик esa Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси. 1993 йилнинг 1 январидан Чехия Республикасининг Россия Федерациясидаги фавқулодда ва мухтор элчиси.

Оилали, икки фарзанди бор, рус ва инглиз тилларида сўзлаша олади.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги.

ФАРАНГ МАТБУОТИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Бугун Тошкентдаги Журналистлар уйда Франци матбуоти тарихига бағишланган кўргазма очилади.

ФРАНЦИЯДА илк матбуот нашрлари яқин дунёга келган? Ҳозир фаранглар неча номда, неча нускада қанча газета-журналлар чоп этишадиган? Бугунги кунда француз матбуоти қандай қийинчиликларни бошдан кечирмоқда?

Франциянинг Ўзбекистондаги элчхонаси билан жумхурият Журналистлар уюшмаси Тошкентдаги Журналистлар уйда ташкил этган кўргазмада ана шу саволларга тўла жавоб олиш мумкин. Кўргазма материалларнинг қарфолат берилшича, фаранг матбуотининг таваллуди ўн бешинчи асрнинг охирига тўғри келади. Уша пайтда матбаа дастгоҳи ихтиро қилиниб, дастлабки варақалар

чоп этилган. «Ле Журнал де Пари» деган номдан биринчи кундалик нашр 1777 йилда юзага келган. Бугунги кунга келиб Францияда йилга 20 мингдан кўпроқ номда 7 миллиарддан зиёд газета-журналлар ва бошқа нашрлар чиқиб турибди. Улар иқтисод ва молни, саъят ва маданият, иқтимоий ва техник фанлар, халқаро муносабат ва диний мавзуларни қамраб олади. Бундай рангбаранглик жузий иқтисодий қийинчиликларга қарамай, фаранг матбуоти яшовчан эканлигини далолат беради.

Кўргазма 19 майдан бошлаб тўрт кун давомда намойиш этилади. А. ИҲУДШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди:

1. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони таъсис этилсин;
2. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони тўғрисидаги Низом тасдиқлансин;
3. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони таъсис этилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси давлат

мукофотлари тўғрисидаги Низом»га (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг Веломостлари, 1993 йил, № 16, 246-модда) қўйилати қўшимчалар киритилсин;

- 10-модданинг «б» банди «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» деган сўзлар билан тўлдирилсин;
- 12-модда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўр-

сатган пахтакор» бўлимидан кейин қуйидаги мазмундаги қисм билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони республика чорвачилиги, паррандачилиги ва асаларчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўйиладиган

қўшган давлат, жамоа, фермер, ижарачи ва шахсий хўжаликларнинг, шунингдек, ўқув юрталари, илмий-тадқиқот, зооветеринария муассасаларининг ва лойиҳа ташкилотларининг юқори малакали ходимларига берилса.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

1993 йил 7 май кuni қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан тасдиқланган

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ ТЎҒРИСИДА

НИЗОМ

1. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони республика чорвачилиги, паррандачилиги ва асаларчилигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган давлат, жамоа, фермер, ижарачи ва шахсий хўжаликларнинг, шунингдек, ўқув юрталари, илмий-тадқиқот, зооветеринария муассасаларининг ва лойиҳа ташкилотларининг юқори малакали ходимларига берилди.
2. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тақдирномасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан берилди.
3. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони бериш тўғрисидаги илтимослар одатда мукофотга тақдим этиляётган шахс ишлаб турган жамоа маъмурияти ҳамда касаб уюшмалари ташкилоти томонидан юқори турувчи орган ёки ташкилот олдига қўйилди.

Илтимослар, шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ҳам қўйилиши мумкин.

4. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвонига сазовор бўлган кишиларга белгиланган намунадаги гувоҳнома ва кўрракка тақриладиган ишонч топширилади.

5. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» ишончи кўрракиннинг ўнг томонига тақрилади.
6. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» гувоҳномаси ва кўррак ишончи Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан талланган ва кенг ошқоралинган вакиллар томонидан тақрилади.
7. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвондан фақат Ўзбекистон Республикаси Президентини махрум этиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Қарори

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЭТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН ЧОРВАДОР» ФАХРИЙ УНВОНИ ТАЪСИС РЕПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» факриий унвони таъсис этиш тўғрисидаги «Ўзбекистон Республикаси Қонуни» 1993 йил 1 августдан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати кўрракка тақриладиган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» ишончининг тасвири ва тасвифи икки облик мuddат ичда ишлаб чиқилишини таъминласин ва тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси: кўрракка тақриладиган «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган чорвадор» ишончи тайёрлашнинг таъминласин; чорвачилик ходимларининг ишдаб чиқаришининг ўта машаққатли тармоқларида машғул бўлган айрим тоифалари учун илтимозлар белгилаш тўғрисидаги масалаларни қараб чиқсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раёсати Ш. ИҲУДШЕВ. Тошкент шаҳри, 1993 йил 7 май.

ЎЗБЕКИСТОН ВАТАНИМ МЕНИМ

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

ШОЛИ КИПИГИДАН ПЛИТА

НУКУС туманидаги «Шўртанбой» давлат хўжалиғида шоли оқлайдиган тегирмон қўрилди. БУ ЯНГИЛИК шолкорлар учун ҳам, хўжалик ҳудудидаги корхона ишчилари учун ҳам айни муддао бўлди. Дехқонлар шолни шу ернинг ўзида гуручга айлантормоқдалар. Цех ишчилари esa шолдан чиққан қийнқандан плата ишлаб чиқармоқдалар. Хўжалик шолчиликка ихтисослашгани учун тегирмон ҳам, цех ҳам тўхтовсиз ишлайверди.

МУҲОЖИРЛИКДА ҲАМ ВАТАНИН УНУТМАДИ

САУДИЯ Арабистонда яшовчи ватандошимиз Нуриддин ал-Бухорий 100 нафар етим болани моддий панохга олди. НУРИДДИН ал-Бухорийнинг ота-боболари асли шаҳрисабзлик бўлишган. Шу боис сармождор ҳамюртиниз ўз аجدдолари элидаги муҳтожларга ёрдам қилини чўзмоқда. У етим-есирларни панохга олишдан ташқари Ўзбекистон Қизил йрмойи жамаати ихтиёрига 3,5 минг метр газлама тақдим этди.

ИШЛАЙМАН ДЕГАНГА ИШ ТОПИЛАДИ

АНДИЖОН вилояти шаҳар ва туманларида кейинги икки йрл йил мобайнида 15 та қурилиш-таъмирлаш корхонаси ташкил топди. АНДИЖОН тумани маҳаллий саноат комбинати қошида ҳам хўжалик ҳисобида ишлайдиган шундай корхона иш бошлади. Бу билан вилоятдаги қурилиш-таъмирлаш корхоналари га жалб этилган ишчилар сони уч миң кишидан ошди. Ҳозир корхона усталари аҳолининг еси уйларини таъмирлаб, ҳоҳловчиларга янгиларини қуриб бермоқдалар.

ШАҲАР ҚУЧАЛАРИДА ҚОРЕА АВТОБУСЛАРИ

ТОШКЕНТЛИК йўловчилар хориздан келтирилган бу автобусларда қатнашга қўниқиб қолдилар. ЎЗБЕКИСТОН ва Корея ҳукуматлари ўртасида тузилган шартномага мувофиқ бундай автобуслар сони ҳадемай 500 тага етади. Ҳозиргача 100 та яқин автобус келтирилди. Корея автобусларининг дегрли йрми шаҳарлараро йўналишларида хизмат қилади. Туркия билан ҳам шундай шартнома тузилди. Тез орада Тошкентга 188 та Туркия автобуси ва мингта яқин енгил машина келтирилади. Бу машиналар жумхуриятимизнинг иқлим ва йўл шартноларига мосдир.

СИЕСАТГА АРАЛАШУВГА ҲОЖАТ ЙЌҚ

АКСИНЧА, меҳнатқилларни ҳимоялашнинг моддий усулларини қўллаш, бозор муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашиш Ўзбекистон касаб уюшмалари учун энг тўғри ва маълум йўлдир. ЎЗБЕКИСТОН ва Россия касаб уюшмалари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди. Хўжаликда меҳнатқилларни иқтимоий ҳимоялаш ва уларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини муҳофаза этишини қосий йўллари белгилади. Шартноманинг муҳим жиҳати шундаки, бир-бирларига вакиллари юбориш ва касаб уюшмалари ҳаракатига оид муаммолар юзасидан биргаликда конференциялар ўтказишдан ташқари иккала давлат иқтисодий тараққиёти масалаларига доир қатор қондалар ҳам киритилди.

БОЛАЛАР ЛАГЕРЛАРИ ПАНСИОНАТГА АЙЛАНМОҚДА

НАМАНГАН шойи тўқиб чиқариш бирлашмасининг пионер лагерини биринчи бўлиб пансионатга айлантирилди. ШУ ЙИЛ 83 мавсумида бу пансионатда оналар ва болалар, ҳитто оналар дам олиши мумкин. Бирок ҳамма ота-она ҳам ўз фарзандини лагерга юбориш ймконига эга бўлавермайди. Шу боис бу йил вилоятдаги дегрли ҳамма мактабларда кундузги лагерлар очили чоралари кўриломқда. Уларда ўтган йилдагидан икки баравар кўп янми 35 миң бола дам олади. Йўлланма аналгидан арзон тушиши учун вилоят касаб уюшмаси асосий харажатларни ўз зиммасига олмоқда.



ХАР БИР инсоннинг ҳайда ҳам, иккюда ҳам ўз ўрни бор. Ҳофизга бирининг сози керак эмас, татимайди, иккю ахлининг ҳам ўз қалами бор, ўзгаларники буюрмайди. У ўз қалбига ишонди, қаламига таянди, ўз сўзи, илҳомига содиқ қолади.

Журналист, шоир, адабиётшунос олим Наримон Ҳотамов номини тилга олганда, ҳаёт ва ижод йўлига назар ташлаганда ҳаёлимиз ана шу туйғулар қуршаб олади. У—ҳожатбарор, одам-оҳу, ҳотамтой. Давраларда кўринмай қолса ўрни билдилади. Наримон ака: «Туй-да кўп юрганманд Тўйчубой

Заҳматкашлар

КИМ ЭЛДАН ЙИРОҚ КЕТСА, ЎЗ ЙЎЛИДАН АДАШАР

Ўтган олдий мусахҳахликдан бошлаган Наримон ака ана шу йиринк жамоанинг раҳбари даражасига кўтарилиди. Ноширликда узоқ, самарали ва беуңсон меҳнат қилганлигидан у «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига мушарраф бўлди. Бошлангич синфлар учун «Алиф-бе»дан тортиб, ўрта мактаб ва олий ўқув юртига юртига қанчадан-қанча дарсликлар, кулланмалар, рисолалари нашр этишда фаоллик кўрсатди. Ўзи ҳам муаллимлик қилди. У «Ўқитиш» ва «Адабиёт назарияси»дан кўндалма», «Халқ педагогикасининг озғани ижода акс эттирилди», «Адабиётни

тафия ёқлаб, филология фанлари номзоди бўлди. Қори Нибзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида катта илмий ходим лавозимда ишлаб, олимлик иқтидорини кенг намойиш этди. 1988 йилдан буён Н. Ҳотамов Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёт директори, Қарийб олти йилдирки, у олимлар даврасида, Тарихимиз, адабиётимиз меросини нашр эттириш, кадриятларимизни тиклаш, маънавиятларимизни халқ мулкига айлантиришдек хайри ишга ўз акли-шуури, ҳаёт тажрибасини бағишламоқда. Камтарин, заҳматкаш матбаачи Наримон Ҳотамов шу кунларда умрининг олтининчи баҳорини қаршиламакда. Мен ҳам ушбу мақолани Наримон Ҳотамовнинг қалб дафтаридан олган кўнгалмига ҳамоҳанг қўйилган сатрлар билан тугаллашни ихтиёр этдим: **Кимдир кимга талпини, Кимдир кимга сизнади, Ихлос билан, сийдиқидилан, Кимдир кимни соғинади.** Нормурод НАРЗИИ.

ҚИЛИМИШ-ҚИДИРМИШ

ФИРИБГАР

НАРГИЗА кўпчилик йўловчилар сафида, Қарши шохбетида Дўшанбе — Москва поездини кўтабганди, унга ёшгина йигит ўчириб, ўзини боқхона ходими деб таништиради. Шаҳарда ўғирлик, талончилик содир этилаётгани туғайли йўловчиларнинг қимматбаҳо тақинчоқлари божхонада текширувлан ўтказилаётганини айтади. Ҳеч нарсадан гумонсирмаган қиз узук ва сирғасини ечиб, унга берди. Тақинчоқлари наватбон ташқир текрор текширишдан ўтказиб келиш учун 200 сўм пул ҳам кўстирди. Содада қиз узук қуттишлардан сўнг, алданганини сезиб, милицияга хабар қилди. Фирибгарни топшиш учунлик қийин бўлмади. У текрор гуруҳ томонидан қўлга олинди. Тақинчоқлар эгасига қайтарилди. «Божхона» ходими ўстирдан жиноий иш қўзғатилди. Г. ПУЛАТОВ.

Ўлкада баҳор кезиб юрибди...

БАРАКА ИЛИНЖИ

Қор ҳали батамом эриб битмаган кезлар эди. Норин дарёсининг бир ирмоғи — «Ингичка» канални бўйлаб сойга тушдик. Бумайдонлар аввалдан Охунбобоев номи жамоа хўжалигига қарайди. Асов Норин тез-тез тошиб, одамларнинг шолпоисини оқизи кетар, шу боис бу жойлардан қўпма фойдаланилмади. Энди сой соҳили худудисиз теракзорга айлантирилди. Теракзорнинг умумий майдони тўрт гектардан зиёд. Кўчатлар бехато ўсган.

Теракзор богга туташ, ўша кунлари дарахт ослари юмшатилган, кўчатлар оқланган эди.

Эски богнинг 10 гектарига янги кўчатлар экилди. 24 гектар ерда янги бог, 6 гектар майдонда тоқозор, 1,5 гектар анорзор, икки гектарда эса, бодомзор барпо этилди.

Хўжаликда сабабот табақалаштириб аниқланган учун ҳам фойда катта бўлди. Биргина редискани олинг, Бор-ўғи бог орасидаги ярим гектар ерда экилган эди. 120 тонна ҳосил олинди. Бир ағданис соғиб бўлиниши билан кейингиси этилаверади. Қомилжон Нишонов, Тохиржон Олимжонлар ишининг ҳақисини олишди. Редиска ва кўчатлардан бўшаган ерларга қарам, патинон экилди.

Тўғри, соҳибжор ва боғбонлар пахтачиликдаги сингари юқори даромад ололмадилар ҳам, отадан қолган ернинг меросхўридай ўз касбларига тамоман боғланиб қолган. Вугун бог ёки тоқозор, поллиз ёки сабабот майдонига йўлини

шилловчининг йиллик иш ҳақи 88,5 миң сўмдан ортди. Пахтачиликдан 4,5 миң сўмга сўма яқин соф фойда олинди. Бир сўз билан айтганда, умумий даромад 250 миң сўмга етди. Рентабеллик даражаси 5,4 фоз ортди. Ҳар гектар майдондан 98 миң сўмга яқин даромад қўлга киритилди.

Шунданми, бир вақтлар жамоа ишини, пахта ишини қийин деб ташлаб, турли тартиқ ва муассасаларга қайтаб ишловчилар йа қайтаб келишди. Ўтган йилнинг 160 ишини қўшибди. Деҳқончилик ишга қизиқувчилар, жамоа ҳаётига эш бўлувчилар кўпаймоқда.

Фақат деҳқончиликда эмас, чорвачиликдаги аҳвол ҳам кишини мамнун этади. Бултур 852 тонна сут, 151 тонна гўшт, 172 миң дон тухум ишлаб чиқарилиб, режалар ошириб урдаланган эди. Жоғрий йилнинг 1 чорғи якунлари ҳам юқори бўлди. Тошкўсий соҳилига Корея усулидаги товуқхона қурилди. «Жўжаларни асрашнинг йўли битта, оёғи қуруқ турсуни қорни тўқ бўлсин», — дейишди паррандабўқарлар.

Қишлоқ одамларининг турмуш шароити ахишланмоқда. Қарийб 102 гектар майдон турар жой қуриш учун ажратиб берилди. Янги мақаллар бунёд этилди. Уларга электр симларлари тортилди. Сув қувурлари ётказилди. «Иттифоқ» Ҳамза кўчаларида яшовчилар ҳам ана шу кўчалардан баҳраманд бўлишди. Бунда Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ



ИСТЕЪДОДЛИ ёшларнинг компьютерни қай даражада бошқара олишларини аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уюштирилган компьютер фестивали қарийб икки ой давом этди. Жумҳурият ўқитувчилар уйда дастур тузиш бўйича ўзбек-америка олимпиадаси иккинчи турнда ғолиб бўлган ўсмирлар миллий терма жамоасини таништириш маросими бўлиб ўтди. СУРАТДА: Ушбу маросимдан лавҳа. А. ЗУФАРОВ олган сурат.

Фельетон ўрнида

Мустантил республикамизда мулкчиликнинг барча турларини шикоятчилик мақсадида «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» Қонуни қабул қилинган эди. Қашқадарь вилоятдаги қорхона ва таъинлотлар, мақсадада унинг кирис қандай таъминланган?

Ўн иккинчи қаҳриққ Ўзбекистон Олий Қенгашининг VIII сессиясида қабул қилingan ана шу ҳужжатда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва фуқароларга хусусийлаштириб бериш йўл-йўриқлари, тартиб-қоидалари белгилаб берилган эди. Унинг ижроси юзасидан давлат назорат қўмитаси, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ташкилотлари томонидан текширишлар ўтказилди. Текширувларда вилоятдаги айрим таъинлот ва қорхоналар, муассаса ва хўжалиқларнинг раҳбарлари мазкур қонун талабларини қўпол равишда бузиб, баъзи ҳолларда эса суниестеъмчиликларга йўл қўйганликлари аниқланди. Айрим раҳбарлар томонидан давлат мулкнинг арзон-таровга бериб юборилганлиги, ошпа-оёвнинг тартиқли, ишондошлилик тўғрисидаги ҳисобга олиниб иш тутилганлиги кузатилмоқда.

Деҳқонбод туманидаги «Кўнбулоқ» давлат хўжалиги раҳбари А. Хуррамовнинг ўзбошимчилик билан қонун-қондаларни четлаб ўтиш содир этилди. Раҳбар «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги» Қонуннинг 10-моддаси талабларини қўпол равишда бузиб, хўжалик меҳнат аҳлининг 1991 йил галла ҳосилини давлатга сотиш режасини ошириб урдаланганликлари учун хўжалик учун ажратилган «ГАЗ—24» маркали «Волга» автомашина-

лик раҳбарининг ғайриқонуний кўрсатмаси беқор қилинди.

Бозор иқтисодиёти талаблари ҳақида гап кетганда тадбиркор, урдуворон кишилар шахсига ҳамду сано ётилади. Ленин айти Уттиш пайтида «тадбиркорлик» қилаётган шахсларни ҳам урдатини мумкин бўлаётган Уларнинг давлатни алдан, Мақалани қақшатиш ҳисобига урдуворонлик қилаётганликларини фоз этилмоқда. Бундан бир неча муддат муқаддам «Нашқадарьяоблагропром» 1-турлиш трести

ижтимоий адолат қондалари бузилмоқда. Давлат таъинлотларига тегишли молу мулкни сотишда жамоаларнинг фикри билан ҳисоблашилмайди. Таъинлот раҳбарлари қасаба уюшмалари қўмиталари расмлари билан қорхона масолаҳатлашиб, мулк хусусийлаштирилмоқда. Айрим раҳбарларнинг таниш-билишларига арзанаган пулга сотиб юборилаётди. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, айрим қорхона ва таъинлотларда ҳуқумат томонидан қабул қилинган қонун ва қарорларнинг раҳбарлар қўпол равишда суниестеъм қилишмоқда. Ёки мансабдор шахслар давлат манфаатларидан қўра ўз манфаатини юқори қўйиб, қорхона ва таъинлотлар билан мутлақо ҳисоблашмайди.

Тўққиз МИНГГА СОТИЛГАН «МАЗ»

ЁКИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШДАГИ ҚАЛПОБЛИКЛАР.

Кашқадарь вилояти Қашқадарь савдо концерни ўртасида га-лати битим тузилган. Унга қўра қурилди ташкилотларнинг ёрдамида хўжалик чорваси, бинолари билан тўғайлиқча савдо ташкилот томонидан сотиб олинган ва Қарши шаҳар ошоналар трестига ёрдамчи хўжалик сифатида расмийлаштириб берилган. Ўз наватига ёрдамчи хўжаликнинг барча мол-мулки, чорва моллари Қарши шаҳрида яшовчи Нормурод Турсунов бошлиқ бир гуруҳ кишиларга ижарага берилган ҳам худжатларда қайд этилди. Ордан етти ой ўтар-ўтмас ижарага олинган барча мулк негардари оғир нархларда Нормурод Турсуновга сотиб юборилди. Давлат мулкнинг сув тегишга пуланган ҳам прокуратурада юборилган. Бу ғайриқонуний юмуш шаҳар прокуратураси томонидан аниқланди ва Ўзбекистон Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан иш қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда. Муборак тумани прокуратураси ходимларининг ҳушёрлиги билан ҳам нотўғри хусусийлаштирилган бир қанча транспорт воситалари давлат ихтиёрига қайтарилди. Жумладан, Аветхон Султон номи давлат хўжалиги раҳбарлари хўжалик бошлиқ бир гуруҳ кишиларга ижарага берилган ҳам худжатларда қайд этилди. Ордан етти ой ўтар-ўтмас ижарага олинган барча мулк негардари оғир нархларда Нормурод Турсуновга сотиб юборилди. Давлат мулкнинг сув тегишга пуланган ҳам прокуратурада

ишлаб ишлаб, меҳнати синган, илгари автомашинаси бўлмаган мўжоз кишиларга кўпчиликнинг фикрига асосан берилиши лозим. Қўп ҳолларда эса қорхона ва таъинлотларга тегишли мулк ўша таъинлотларнинг ўзидан ким ошди савдосига қўйилиши ҳам яқин самара бериши, ҳолисини таъминлади. Кўп туманидаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш бошқармасига қарашли автомобиль транспорт хўжалиги бошқарманинг кўрсатмаси билан қорхонага тегишли «МАЗ—500» маркали қўдратли машина бор-йўғи 9 миң сўмга пуллаб юборилди. Ваҳоликни, автомашина 1984 йилда ишлаб чиқарилган бўлиб, хизмат муддатини ўтамаган. Шу жиҳатдан ҳам мулкни хусусийлаштириш тўғрисида



МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ БОЙВАЧЧА ХОНИМНИНГ МЕРОСХУРИ... ШИЛЛИҚҚУРТ

КАЛИФОРНИЯЛИК миллионер аёл 22 миллион долларлик бисотини ўз боғида қашқадарь вилоятининг Шиллиққуртта мерос қилиб қолдириди. ЭШИНИ яшаб, ошани ошаган аёл бу суд-радувчи митти жоновори жуда-жула яқини кўради, ҳатто унга Сэмми дея қиройли ўсим ҳам қўйган. Кейинги йилларда у умрининг қўп қисмини боғда ўтказиб, севишли Сэмми билан соатлаб «сўхбат» қуришни одат қилган эди. Хонимнинг васиятига мувофиқ ажратилган долларлар Сэмми яшаётган боғни парваршиллашга сарфланади.

ЎЗ ОЁГИ БИЛАН УЙИГА КЕТДИ

ТЕМИРЯЎЛИ Н. Зайцев поезднинг остида қолиб бир оғидан ажралди. УНИ Харьковдаги умумий ва ошғиёч жарроҳлик илмий-тадқиқот институтига олиб келишганда врачлар оёғини «жойига қўйиш»га қарор қилдилар. Жабрланувчининг бахтига шу кунга энг тажрибали жарроҳлар наватбаччилик қилишган экан.

Биринчи операция муваффақиятли ўтгач, қолган мураккаблари шаҳарнинг етакчи клиникаларида давом эттирилди. Орадан ўн ой ўтгач, Н. Зайцев ўз оёғида уйига кетди.

ЭЛЕКТРОН УСКУНАДАН ҲАМ СЕРТАК МУШУК

ЎНДИСТОН божхоналари ходимлари контрабандачиларга қарши замонавий электрон ускуналар ёрдамида қатъий курашмоқдалар.

АММО божхона ходими Сваранг Марабани бундай ускуналарга мўжоз эмас. У Доси қақабил мушугга ишонди. Мушук эгаси ёндаги махсус ўрнидада ўтириб, авай-ўловчиларни бир-бир қўйлаб ўтказди. Олтинли йўловчи рўпара бўлди дегуча, гингити бошлади.

Доспиринг «қўбилити» шу даражадаки, йўловчининг олтин ютганлигини ҳам билди. Янгида у бир бўлак олтинни ютиб юбориб, йўлақдан ўтмоқчи бўлган аёлни «ушлаб» берди.

ЛЕНИННИНГ БУГУНГИ БАҲОСИ ҚАНЧА?

СОБИҚ райком ходими Лениннинг ҳайкалини урдуворон фермерга 100 миң сўмга пуллади.

ДОҲИНИНГ бронзадан ишланган бу ҳайкалин бир пайлар машҳур ҳайкалчагарош, СССР халқ рассоми Э. Агур Минск район партия қўмитасига совға қилганди. Нима учундир ҳайкал вақтида урнатилмади. 1991 йилги август воқеаларидан сўнг эса уни асраб қўйиш учун уй-жой-коммунал хўжаликга топширилди.

Орадан шунча вақт ўтганига қарамай, бу совға мўмай пулга айланди. Жаҳон пролетариати доҳийсининг кадр-қиммати ҳали бери пасаймайдиган кўринади.

КАФТИДА СУВ ҚАЙНАЙДИ

ЧЕХИЯНИНГ Пардубиц шаҳрида яшовчи 25 йилли Эденек Варкошнинг шундай ажаботвор хислати бор.

У ТЕМИР кружкадаги сувни қўлга олиб, 8-10 дақиқа тутиб турса бас, худди қайнагандайдек, вақирлай бошлайди. Аммо шуниси ажабланарлики, сувнинг бу пайтада ҳарорати 36,6°С яъни одам баданидаги одатий ҳароратга тенг бўлади. На врачлар ва на физиклар бу ғайритабиий ҳолатни тушинтириб бера олганларича йўқ.

СИЕСИЙ БЮРО АЪЗОСИНИ ЕТТИ СЎМДАН ПУЛЛАШАЯПТИ

КИРОВ вилояти Луза тумани марказидаги қишлоқ дўконларида собиқ КПСС МК Сиесий бюроси аъзоларининг портретлари савдога қўйилди.

БУ ПОРТРЕТЛАР қўндан бери туман матбуот жамаиатининг омборхоналарида анчагина жойини банд қилиб ётарди. Сотувчилардан бири уларни савдо пештахталарига чиқариб харидорларга тақлиф қилиб кўришни масолаҳат берди. Шундан кейин донасига 7 сўмдан нарх ҳам қўйилди.

Тақлиф ўринли бўлиб чиқди — ҳозир портретларни расмом ва боғбонлар қўллаб сотиб олишяпти. Даровек, нега энди фақат расмом боғбонлар? Балки, «буюн сиймо»ларнинг расмларидан қўра уларнинг ҳошияси асил дарахтдан ясалгани учундир.

БУ БОЛАҚАН КОСМОНАВТ ЧИҚСА АЖАБМАС

ОМСҚДАГИ 85-мактаб ўқитувчисининг мамлакат космонавтлик ҳақидаги қизқарган ҳисоси биринчи синф ўқувчисини Васига соҳрип таъсир этди.

ТАНАФФУС пайтида Вася иккинчи қаватдаги хоналардан бирининг болохонасига чиқиб, қўлларини ёзди-да, қўш қаб парвоз этиди. Мактабдаги муаллим ўқувчиларнинг нима кўйга тушганларини қўвчириб, Аммо шундай хавфли парвоздан сўнг Васянинг фақат битта бармоғи тал еди, ҳоло. Афтидан, бу боладан дурустгина космонавт чиқадиганга ўхшайди.

ТЕКИН ПУЛ КЕЛТИРГАН МАШЪУМ ОҚИБАТ

ЧИТА вилоят қишлоқларидан биринда истиқомат қилувчи бир пенсиясиз аёлнинг бир йўла 33 миң сўм нафақа келтириб берди.

БУНЧА пулни биринчи марта қўрган нафақахўр дўстларини тўлаб, баъзи жамшид уюштирди. На ароқча, на газанка пулни алмади. Орадан бир неча кун ўтгач, иккинчи таъминот бўлимида кекса нафақахўрга ўн баравар кўп пул бериб юборилган матълум бўлиб қолди. Булим вақили ортиқча пулни қайтарти олиш учун чолнинг уйига келганда вақт ўтган экан. Вечора нафақахўр хурмақасидан ортинча ичиб, баъзи жамшид кўниёқ оладан ўтган экан.

Эркин ЖҲРАЕВ, «Қашқадарь ҳақиқати» рўзномаси ходими. Пулат ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Ҳамроқул РИЗО,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ЎЗБЕКИСТОН ТУПРОҒИ

Дилдаги орамуға етгум келади,
Пойгада тенгдошдан ўтгум келади.
Бир умр дон экан дехон ўлиман,
Тупроққа бир ашёр битгум келади.

Аждодларга ионлар улашган тупроқ,
Тафти юрагимга туташган тупроқ,
Евуз Чингиз қонга ботирганда,
Темур Малик бўлиб курашган тупроқ.

Асану новотингдн топи бор сенда,
Мезмуд Қошқарийнинг ёди бор сенда,
Шоҳнашоҳ Брбурийнинг ўли ноласи,
Исёнкор Машрабининг доди бор сенда.

Зотан, куш учар жой осмон бўлгандир,
Зотан, бахши сўзи достон бўлгандир,
Чарльз Дарвин айтган: тупроққа ишлаб,
Тер тўккан одамлар инсон бўлгандир.

Шу тупроқ отамга, билсанг, отадир,
Термизий, Нақшбанд унда ётадир,
Тупроққа қориниб кетай деб, бир кун —
Менинг ҳам қўшим сўниб, ботадир.

Ўтган зотлар унга бурчин ўтади,
Юз ўттиз мамлакат бугун туташди,
Гарчи юз ўттиз йил меккай, босқинчи —
Унинг бойлигини талаб, муташиди.

Гарчанд, кенжасини севади қоллар,
Тонг куйини бош эгиб, тинглайди толлар,
Шафқат қилармиди сенга тупроғим,
Романов авлодин қирган қотиллари!

Жангчим, Европададн ўтмаганмидинг!
Берлиндан Ташкентга қайтаганмидинг!
Ох, лотин олимпбонг ўзгарганда,
Дардингни тупроққа айтмаганмидинг!

Шу ҳолда дил гами ёзилиб кетди,
Юрагим анордай эзиллиб кетди,
Молотов боғларга солиқ солганда,
Ҳадсиз боғи-роғлар кесилиб кетди.

Ох, шунда қалбингни тилгадан эдинг,
Кўксингни Ой каби доғлаган эдинг,
Асл маъзимдан айрилдим дея —
Кўёшга юз тўтиб йиллаган эдинг.

Фарзандман, жумбоққа излайман жавоб,
Тупроқнинг эъозлаш дунёда савоб,
Бу дунёнинг бирор буржида тупроқ,
Бизнинг тупроқчалик чекмаган азоб.

Эртан билмасдан бошим қашладим,
Гоҳ биллиб, гоҳ билмай қадам ташладим,
Авал аниқ режа тўзиб олмадани,
Шамол туришига қараб ишладим.

Шу боис, ҳасратга тўлди осмонлар,
Елгончи сўзлардан битдик достонлар,
Жигарлари шилган аёл дардини,
Сарғайиб сўзлади ерда ҳазонлар.

Тупроғим, дардингни аёллар айтсин,
Бутфос айлларга рўмонлар айтсин,
Ағдёр номлардан қақшатганини,
Оламга жар солган шамоллар айтсин.

Шу ҳолда қамради пахта ҳиққатини,
Хирмондан кезади дехон роҳатини,
Норми улуг бўлган атоқли зотлар,
Элга айтмай кетди чин ҳақиқатини.

«Алалар эгатадн бўзлаган эди,
Хирмонлар юлдузини кўзлаган эди,
«Олтин кўл... яратар олтин пахтани» —
Даб Леонид Брежнев сўзлаган эди.

Москов қувонтирди нишонлар билан,
Изонтириди қарсақ ва шонлар билан,
Ўзгирилди қорда терилди пахтадан,
Тирноқлардан оққан зах қонлар билан.

Неча киприкдаги ёш каби қотдинг,
Тухматга дуч келган бош каби қотдинг,
Тонналаб кимёвий модда сепилган,
Зомин сойдаги тош каби қотдинг.

Қанча булоқларнинг кўзин ёпдилар,
Оролингни кўртити йўлин топдилар,
Хусусан, шуҳратга талинувчилар,
Шухратнинг ортидан толмай қолдилар.

Мевалар терилмай қолди-ку боғда,
Чўпонлар қаровсиз қолди-ку тоғда,
Тупроқ ситир каби соғилган эди,
Опти миллион тайёр дейилган чоғда.

Айтинг-чи, ишбоши шунда ёрминди!
Дард эшитмас учун қўлоқ қаринди!
Заҳарли дорилар зolimдай эди,
Тупроғим, пешонанг шунча шўрмиди!

Ахир одамларни тўйдирмас армон,
Тўйдирмас шорлар эзилган авлон,
Оламни тўйдирар юрдада фақат
Тупроғимга меҳр қўйгувчи дехон.

Бизда дехонлар тонг юлдузидойдир,
Юзлари саратон кундузидойдир,
Шу тупроқ рангига ўхшаб кетгүвчи
Қўллар чинорлар илдизидойдир.

Ош еб кекирганлар ерин севоилмас,
Сўвга туфурганлар ерин севоилмас,
Ундоқ қилгум дея кўксига уриб,
Селдек кўпирганлар ерин севоилмас.

Ерга бобо дехон сарф этса меҳр,
Кўндан офтоб соғар ҳовуч-ҳовуч кўр,
Киндик қоним томан она тупроғим,
Сени десам, дилим яратар сурур.

Ана, шийонимда турар байроғим,
Бугдой ўрмоқликка тайёр ўроғим,
Кўксимда орият кетар гулдириб,
Биров меҳсинимаса, сени, тупроғим.

Мен сени онадай севаман, билгин,
Ечилди қўлингни боғлаган тугун,
Туркилар биринчи қадахни ичар,
Тошли тупроғининг равнақи учун.

Истиқболнинг берар дилга тасалли,
Содат китоби бўлур зарҳалли,
Истиқлол йўлида жон Ўзбекистон,
Тупроғим меҳрга ташнадир қали.

Шу боис, меҳримни улаб ашайман,
Кўксингни нур каби силаб ашайман,
Элни тўйдиргану элни кийдирган,
Тупроғимга ниқоб тилаб ашайман.

Чунки юртим бугун тулпор олтидир,
Кўзлаган маъзилни тароватдир,
Ери саховатсиз оламда яълулди,
Ери саховатли илфитолдир.

Илфитол келди юрт ялларига,
Илфитол келди юрт далаларига,
Келажакнинг порлоқ, десак ҳақиқимиз,
Энди Ўзбекистон бошларига.

Турнам кўндинг Бахмал дўнглиқларига,
Бардшод бердим ҳаёт танглиқларига,
Фақат, ер кўтарар Ўзбекистонни —
Нурли истиқболнинг кенглиқларига.

1993 йил, 14 май.

• Депутат ҳисоб берди

ВАТАНГА МУҲАББАТ— МУҚАДДАС ТҮЙҒУ

Ўзбекистон халқ депутати, ТошДУ ректори Т. Жўраев Собир Раҳимов туманидаги Беруний, Мирза Ғолиб, Иброҳимов, Тошмуҳаммедов маҳаллалари сайловчилари билан учрашди.

— Президентимизнинг бир гуруҳ ёзувчилари билан мулоқоти ҳаммамизда катта таассурот қолдирди, — деди депутат. — Гурунгни кўрдингиз, эшитдингиз, ўқидингиз. Унда кўп долзарб муаммолар ҳақида сўз борди. Лекин

ҳамма муаммолар мамлакат мустайиллиги, уни мустақамлашга бориб таъалади. Истиқбол ва истиқбол. Ватан туйғуси, миллий гуруҳ, виждонан, ҳалб меҳнат қилиш билмиларини чуқур, пухта эгаллаш билан чамбарчас боғлиқ. Ватан туйғуси нечоғ-

лик муқаддас эканлигини яқинда Америкага қилган сафарим, туристонлик ватандошлар билан қўлаб суҳбатларимиз чоғида, айниқса, теран англадим.

Кейин депутат қилган ишлари ҳақида ҳисоб берди. Мирза Ғолиб маҳалласи раиси У. Пулатов, доцентлар М. Шапсанов, Ф. Зикриллар, катта ўқитувчи И. Ражабовлар маҳалла муаммолари ҳусусида сўзлади. Айниқсаларга Собир Раҳимов район ҳокими ўринбосари Н. Нурдиннов жавоб берди.

С. УМИРОВ.

• Театр

ҲАР БИР АКТЁРНИНГ ЎЗ САҲНАСИ БЎЛИШИ КЕРАК

Сўҳбатдошимиз И. Оқубоев номли Андижон мусиқали ва драма театри актрисаси Шарофатхон ТОҶИ-БОЕВА.

Шарофатхон Театр ва муассариники олийгоҳида мақомдан тўрт йил дараж бергач, онажонинг оғир бегоблири туйфайли Андижонга — қишлоғи Лугумбенка қайтиб кетди.

Онаси тузалган, уни вилоят театрга ишга таклиф этишди. Дастлаб кичик-кичик ролларда чиқиб юрган актрисага театр бош режиссёри Ғуломжон Хонжиров катта тақлидига Зуҳра ролига таклиф қилди. Бирдан муъжиза рўй берди. «Образ кутилганидан ортиқ даражада тал-



Қин этилди», дейди Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Хонжиров. Республика Театр арбоб-

лари жамияти Наврўз байрами арафасида таъдирлаган ижодкорлар орасида Шарофатхон бор эди. Вилоятдан Тошкентга ташир буюрган санъаткорни суҳбатта тортиди.

— Сизга Зуҳра образини тоширишгаданда дастлаб халқингиздан нималар келди?

— Ростини кўриб кетганман... Ростини шу нарса далада бердик, Зуҳранинг барча қўшиқларини ўзимча қўйлаб юрар эдим. Кейин устозимиз Ғуломжон Хонжировнинг катта ёрдами бўлди. Уни топпол-узимни тайёрлай бошладим. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, илк намойиш кунини тонгини бедор кутганман...

Зулфия МҲМИНОВА.

ХАЛОЛЛИК— ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Темур ана миллионер эмас. Лекин, 37 йил умум мамлакат йўлида ҳалол меҳнат қилган, эндиликда пенсияга чиқиб юврилган гашигини сўрапти. У ҳали ҳам шунинг педагогик ёки миллионерлик касбидан давом эттириши мумкин эди. Лекин, тасодиф туйфайли у 2-гуруҳ меҳнат ногирони бўлиб қолган.

— Пенсия пулим еб-чишимизга, уст-босимга етади. Камда 6 нафар фарзандларим бор, худого шукру. Эсон бўлгурлар тез-тез ҳолимдан хабар олиб туриширади, — дейди Темур ана Умуиров.

Аваллига ун икки йил ўқитувчилик қилдим. Кейин Сурхондарёда чорак асп миллионда ишлаганман. Йўловчиларга хуруж қилаётган безорилар гуруҳи билан олинув чоғида ҳаётим хавф остида қолди. Катта қийинчилик билан бўлса ҳам текин-томоқ безориларни қўлга олганим учун муносиб таъдирландим. Кейинчалик ҳам хизматларим эъзаига ордени медаллар билан мукофотланганман. Хулоса қилб айтганимда қишлоқларга яхшилик қилган киши асло кам бўлмайдн.

Сирдаб шаҳрининг Амр Темур кўчасида истиқомат қилаётган бу меҳнат ногирони яқинда Гулистон шаҳрига бораганида йўлакдан бир боғлам 100 сўмлик пул топиб олади. Ҳеч кимга сездирмай ўша пулни кассасига солиди-ю вилоят ички ишлар бўлимига олиб бориб топширади, ҳужжатлаштиради.

Орадан бир ойдан кўп вақт ўтибдики, у тез-тез Гулистонга бориб, ўша ўзин топан ун миңг сўм пулниң эгаси чиққан ёки чиқмаганлиги билан қизиқиб юрибди. Мақсади пул эгаси топилса қўнлини таскин топтириш ёки бу пулни бирор яхши мақсадда давлат ҳисобига ўнгадирини.

Орамада Темур ана сингари инсофли, ҳалол инсонлар бор экан, мустайил республикаси мустайиллиги мустақамламанеради. Юргимиз обрўси ҳам кўпроқ шундай олий фазилатли кишилар билан ошаверади. Зеро, ёшларимиз учун ҳам уларнинг ҳаёт тарзлари катта иборат маънаби бўлгусидир.

Қаҳрамон ҲОҶИЕВ.

ЁЗЁВОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲОЗИРЧА УЭЛАРИГА ТУКИШЯПТИ

• АЕЛ кўнлини аёл тушунди, дейди халқимиз.

ЁЗЁВОН туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг раисаси, Ўзбекистон халқ депутати Раҳимхон Гажабова ташаббус билан хўжалиқда атлас тўкиш цехи очилди. Унга 4 та дастгоҳ ўрнатилди.

Цех бошлиғи Абдуҳамид Турсунбоев атлас тўкиш дастгоҳларини 10 тага етказиш, қишлоқда яна кўплас хотин-қизини ишга жалб қилиш чораларини кўришда Хўжалиқнинг ўтган йили режалдан ортиқ тайёрлаган пилласи ипақ ҳолига келтирилди ва хом ашё сифатида ишлатилди. Тўқилган атласлар, асосан, хўжалиқ аэрозолларига сотилади.

ЕТТИТА ҚАДИМИЙ ХУМ

• «ХОНОБОД» жамоа хўжалигининг Оқтепа қишлоғи атрофида дехончилик қилаётган Собирхон Рўзиев бошлиқ бригадаси дехонларни ариқ қавлатиб 7 та қадимий хум топиб олинди.

ШУ ЕРЛИК журналистлар Алишер Тошқулов ва Азимжон Эгамбердиевнинг ёшларига, Ўзбекистонда илк неолит даврига оид ёдгорликлар Марказий Фарғонадан топилган. Ёзёвон худудида ҳам жуда қадим замоналарга бориб тақалладиган 24 та макон текширилиб, ҳозирги Оқтепа ва Ёзёвон қўлларидаги Сариқ Жўга харобалари ялғар шаҳри Ҳайбар ва шаҳри Барбар номи йирик шаҳарлар бўлганлиги аниқланган. Бу шаҳарларнинг харобалари ўрнидан ҳозиргача турли сопол идишлар, эски гашлар, темир буюмлар, тақинчоқлар топилди туради.

ЕШИ 180 ЭКАН

• ИЛГАРИ Ёзёвон шаҳарчасининг бунёдга келиш санасига оид аниқ маълумотлар бўлмади, турли ривоятларга асосланган тахминлар бор эди.

ЁЗЁВОНЛИК эндиликда А. Бек ҳамда А. Дарёнинг узок давом этган таъдирларидан сўнг аниқлашчи, Ёзёвон, Қўноқ хони Амр Умархон даврида яъни 1812—1813 йилларда бунёд этила бошланган экан. Дастлаб ватан тутган халқ Қашқардан ўтиб келган уйғурлар бўлиб, уларнинг имомлари Али Оқуннинг қабри ҳозир Ёзёвон марказида маданий ёдгорлик сифатида сақланмоқда.

САРСОНҚУМНИНГ ЛУҚМА ХАЛОЛИ

• «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» жамоа хўжалигинда етти хазинанинг бири — балиқчиликка ҳам эсс солинди.

ПАРХЕЗ гўшт — луқма ҳалол етиштиришни Жамолиддин Низомов бошлиқ 8-бригада аэзолари ўз зиммаларига олдилар. Хўжалиқнинг Сарсонқум массивидан қулмоқ ва камҳосил ерлардан 2 гектарда суний кўл ҳосил қилишиб, балиқ боқилиши бошлаб юборишди.

Қўлга ҳозирча 200 килограмдан зиёд оқ амур балғининг уруғлари ташланди. Суний кўлда бу йил камда 5 тонна балиқ етиштириш мўлжалланмоқда.

АРҚОН, ШОЛЧА, КЎРПАЧАНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

• КЎЗИ оқинлар жамиятининг Ёзёвон ўқув-ишлаб чиқарш корхонасида тайёрланган шолчаларнинг Уш ва Жалолободда харидори кўп.

ЯҚИНДА бу ерда арқон тайёрлайдиган цех ҳам очилди. «Ўзбекирлашу» билан келишувга мувофиқ бу йил корхона 30 тонна арқон ҳамда 2 миң дона кўрпачани дўноқларга чиқаради.

«ИЖОДКОР»НИНГ БУЮРТМАЧИЛАРИ КўПАЙМОҚДА

• УТГАН йилги туман рўзномаси «Марказий Фарғона» қошида «Ижодкор» кичик корхонаси иш бошлаган эди.

ҚИСКА муддат ичиди у шорлар Муҳаммад Юсуф ҳамда Уткир Раҳматнинг шеърли тўпламларини, Ўзбекистонда миллий-озодлик ҳаракатига бағишланган «Вуюн ижод буюк мухожд» тарихий рисолини, «Ёзёвоннома», «Ёзёвон навалари», «Ёзёвонлик олимлар» каби ўлмасуносликка оид китобларни нашр этди. Ҳозир кичик корхонага турли хўжатлар, маълумотли китоблари, афишаларни тайёрлаб беришни сўраб тушаётган буюртмалар кўпаймоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

• «Халқ сўзи» жавоб кутади

САНСОЛАРЛИК АДОЛАТСИЗЛИКДИР

Биз Тошкент вилоят Оҳангарон райониди 16, 20, 21, 22, 23, 24, 27, 52-мактабларнинг раҳбарлари сизга шунинг маълум қиламизки, мактабларимиз ва биз ишлаётган жой район Халқ гаълимиз бўлишида 90 — 120 чақирим олинса бўлиб, Ангрен-Камчик довоини орасидаги Инчилоб қишлоқ кенгаши ҳудудида жойлашган. Шунча узок йўлни босиб, ўқитувчилар семинарларга, ўқувчиларимиз олимпиадаларга, ўзларимиз эса мактаб иши билан ойда намида икни марта, баъзан ҳар ҳафтада Ангрен ва Нуробод шаҳарларидан ўтиб район маркази бўлиши Оҳангарон шаҳрига келамиз.

Ахир бир келишимизда йўл ҳақиға 1000 сўмдан, қишда икни кунлаб вақт сарфлаймиз. Бу ҳаражат ойда 3—4 миңг, йилда эса 25—30 миңг сўмини ташкил этар экан. Ўқитувчилар, айниқса, биз директорлар оили маошимизнинг ярмини йўлга бекорга сарфламоқдамиз.

Сиздан илтимос қилар эдикки, — мактабларимизни Ангрен шаҳар маорифига бўйсиндириб, яъни ўтказиб берамиз, йўлимиз яқин бўлар эди. Шу билан биз бир «иқтисодий» ҳимоя топган бўлар эдик.

СОБИРОВ, МАТҚОСИМОВ, МИНГБОВЕВА, ЕЎУБОВ, ҚУНИШЕВ, ЖУМАНОВ, МИРЗАЛИЕВ, ИСМОИЛОВ.

16, 20, 21, 22, 23, 24, 27, 52-мактабларнинг директорлари.



Жиззах вилоятининг Пахтакор райониди Кичанов номли давлат хўжалигинда пахтага дастлаб ишлов беришга алақачон киришилди. Айниқса Ҳайдар Қўшонов бошлиқ қилаётган жамоа далаларида гўза ниқолларнинг ривонини баланд. Улар 318 гектар майдонда дехончилик қилиб ҳар бир гектар ердан режадаги 27 центнер ўрнига 35 центнердан ҳосил олиш ниятдалар. Бэхорги ишлар ана шу мақсадга лойиқ олиб борилапти.

СУРАТДА: Бригада бошлиғи (ўртада) Ҳайдар Қўшонов, маҳаллазор Исмаил Шайқозов ва агроном Эшмурод Файзуевлар ниқовнақия сифатини кўздан кечиришмоқда. У. ҚУШОВОҚОВ олган сурат.

• Саховат

ЖАРҚҮРҒОНЛИК САНОҚУЛБҲОЙ

Саноқул Бозоров асли фермер. Ҳали қирққа кирмаган, севган касби — мол-инибор боқиб. Наврўз ва рўза ҳайида хайрия ишларига у ўзин боққан 4 хўжини маблагини сарф қилди. Биттасини сўйиб ошга бостирди. Рўйхатга олиниган оиласи юпун 20 ўқувчининг ҳар бирига 5 миңдан — 100 миңг сўм эҳсон берди. Бошланғич синф болалари қишлоқ Шўроси ваъдасига ишониб қўшимча оқватлантирилганди. Буни ҳам Саноқулбой Минор матлубот жамиятига бориб ёш ўғдекларнинг оқват қарзини узиди. У дастлаб 112 миңг сўм тўлабди.

Район марказий шифохонаси бўлими мудари Ш. Тўраевнинг таъкидлашчи С. Бозоров болалар бўлимига 30 миңг маблағ ўтказибди.

Ойнаҳол ХУҶАМБЕРДИЕВА, Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани.

Сизни қизиқтирган масала

ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

Газетамизнинг шу йил 18 февраль сониди «Хира торган кўнглиларни артиб қўлам» номли мақола эълон қилган эдик. Унда икки оила билан, ҳеч қандай икмибий доираларга даволовчи врач Малика Азимованиң тибиий тажрибалари ҳақида сўз юритилган эди. Шундан сўнг кўп-кўп муштариларимиз қират-табиининг маънаволий газетга ордиқ чоп этишимизни сўраб, мактублар йўлладилар. Уларнинг илтимосига биноан биз Малика Азимова-нинг хизмат маънаволий эълон қилмоқдамиз:

Тошкент шаҳри, 1 Май кўчаси, 1-уй. («Ой» бозори бениати). «МАЛИКА» номли хусусий даволаш маркази.

Тарихимиз омонми?

ХОКИСОР ҚАБРТОШЛАР

Узини денгизга бағишлаб дарё, жилгалар улади, Ушқулар сулади, Ушқулар сулади, Ушқулар сулади...

Ки хокимиз, хокга айлануризмиз оқибат, Эй, қўлингдан хайрли иш келар экан, шошил, қил хайрлик!

Қабр-тошлар... Улардаги битиклар бизнинг қадим ўтмишимиз, бой тарихимиз...

Кўпгина эски қабр тошларда тасавуф шариъатининг ниҳозда иборатли намуналари...

Эски сөгана тошларда тасавуф яъни сўфийлик шариъатига хос ниҳозда доно, ибратомуз жисралар ҳам битилган...

Қаҳшқадар вилоятининг Касби туманида Касби деб номланган бир мазор бор.

Ушқулар сулади, Ушқулар сулади, Ушқулар сулади, Ушқулар сулади, Ушқулар сулади...

Урта асрда яшаган юртимизнинг таниқли давлат арбоблари, шoirлари, улуг шайхлар, сўфийларнинг қабрларига ўрнатилган зинали, хушхат тошларнинг йўқолиб бориши...

«Эй кўз, ақл, кўлоқ ва хушқил эгаси! Мислаҳатларинг қўлуғингга сирвадди тақиб ол.

Араб алифбосидан маҳрум этилишимиз оқибатида халқимиз ўзининг кўпгина маданий ва диний аъёнларидан кўз юмди.

Бир вилоят Хабарлари ҚАМАШ ОҲАНГЛАР ҚАМАШИ районидagi Қамаш қишлоғидagi Қашқадарё вилоят бахшларининг кўрин-танови бўлиб ўтди.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

«Соябон» ишга тушди ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

дан, кучли ҳаттолар мактабидан ҳам маҳрум бўлди. Лекин шoir Чўлпон ейтганидай, халқ-дарё, халқ-тўлиқ, халқ-қатта куч экан.

Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт

БОКС

ҲАМЮРТИМИЗ Ҳикматилла Аҳмедовнинг Тампере шаҳрида ўтган 7-маҳон чемпиoнатида ярим финалга йўлланма олганини илгарига баъбар қилган эдик.



Чирчиқ трансформатор заводи электр таъминоти учун ЭНГ замонавий ускуналарни ишлаб чиқармоқда

ОТ СПОРТИ

ТОШКЕНТ отқопарида республика очик чемпионати якунланди. Бу мусoбадада пойтахтликлар билан бирга Сирдарё, Фаргона, Андижон, Тошкент, Наманган вилоятлари ва Олмота ҳамда Чимкент спортчилари иштирок этдилар.

додчида 15, «Сурхон»да 14 очко бор. Ушбу турнинг қолган учрашувлари кўйилган натижалар билан тугади: «Зарафшон» — «Жимбар» 3:1, «Прогресс» — «Маъданчи» 1:1, «Локомoт» — «Сиртор» — 2:1, «Олмалик» — «Машъал» — 2:2, «Савая» — «Богдоқчи» — 1:1, «Норин» — «Насаво» — 1:0.

Конкур бўйича шахсий иричиликларда чимкентлик И. Аверченко (отининг лақаби Элин), андижонлик Укитам Ҳошимов (Реформа), тошкентлик Даврон Рўзимужомидов (Қорамашал), Ш. Холлов (Каспий) голиб чиқиди.

Набатдаги тур учрашувлари 31 май кунини ўтказилди. ЛОНДОННИНГ машҳур «Уэмбли» ўйингоҳида Кубок эгалари кубогининг финал учрашуви бўлиб ўтди.

ФУТБОЛ

БИРИНЧИ табақа жамоалари навбатдаги тур учрашувларида қатнашдилар. Турнир пешқадами Марғионинг «Атласчи» жамоаси сафарда ҳам ўз майдонидagi ҳужумкор ўйин кўрсатаётди.

Италиянинг яна бир жамоаси «Ювентус» УЕФА кубоғи учун дастлабки баҳсда меҳмонда бўлиб, Дортмундинг «Боруссия» жамоасини мағлубиятга (3:1) учратди.

ЭЪЛОНЛАР

Чирчиқ трансформатор заводи электр таъминоти учун ЭНГ замонавий ускуналарни ишлаб чиқармоқда

Кучли трансформаторлар: 25-2500 кВА қувватли, 10 кВ кучланишда; 1000-6300 кВА қувватли, 35 кВ кучланишда; 2500-16000 кВА қувватли, 110 кВ кучланишда.

Комплект трансформатор подстанциялари: 2500-6300 кВА қувватли, 35 кВ кучланишдаги қўшма трансформатор подстанциялари; 1000-16000 кВА қувватли, 25 ва 110 кВ кучланишдаги қўшма трансформатор подстанциялари.

10-25 кВА кичик қувватли трансформаторлар, МС-100; МП-101; 301 тoрmos электромашинлари.

Халқ истеъмоли моллари: электррадиолар; пайдалануш аппаратураси; суориш ва сув чиқариш учун «Фарход» электрососиси; электр ўт олдирувчи; юмшоқ ўриндиқли ошона кўрсилари; стол ва деворга ўрнатилган бритичилар; қойиш қургичи, электр таъмирчи, электр тарқатувчи (тройка) электр симлари, ун тарқатувчи қутиси; шим ва кийим оғичилар; конвектор.

Манзилимиз: Ўзбекистон Республикаси, Чирчиқ шаҳри, 30 Чирчиқ трансформатор заводи. Телефонлар: (8-37171) 5-35-50, 5-31-92, 3-20-98, 5-30-38. Телетайп: Чирчиқ АТ 116652 «Фаза» Факс: 3-16-86

БИР ВИЛОЯТ ХАБАРЛАРИ

ҚАМАШ ОҲАНГЛАР ҚАМАШИ районидagi Қамаш қишлоғидagi Қашқадарё вилоят бахшларининг кўрин-танови бўлиб ўтди.

ШАХРИСАБЗДАН — КОРЕЯГА

ШАХРИСАБЗ яллакашлик фабрикаси энг янгидан бошлаб Покистон, Япония ва Жанубий Корея давлатларига янги хомашиб, янги кичирдиларини валютга сота бошлади.

«СОЯБОН» ИШГА ТУШДИ

ЙИЛ бошида Шахрисабз шаҳар ҳокимлиги Урумчи халқаро иқтисодий ҳамкорлик компанияси билан ўзбек-хитой қўшма корхонаси очиб ҳақиқатда шартнома имзолади.

Янги келган маҳсулотлар

IBM PC/AT - 286, 386, 387 негизда дастурий-техникавий мажмулар. «MBL», «UNIMEX» фирмасининг 5,25 дискетлари. ЭКРАН муҳозафаси филтри /трисмон/. «CITIZEN 839», «CEDAR B86» калькулятори. «PANASONIC KX-50B» телефакси. «CANON 3525» ксерокси икки рангли /қизил, қора/.

Халқ Сўзи Народное Слово. ТЕЛЕФОНЛАР: маълумот учун 33-07-48; эълонлар бўлими 32-09-25. Индекс: 64808.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Бош муҳаррир: Анвар Жўрабоев. ТАҲРИР ҲАЯЪАТИ: Абдунаби БОЯҚУЗИЕВ, Эсирган БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миркамал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қўлаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРНКОВ (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЕВ, Пиррикул ҚОДИРОВ, Мухаммадқор ҚОРАБОВ, Саидхорр ҚУЛОМОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП. Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй. Таҳририятга ҳажми 7 қоғоздан ошган материаллар қабул қилинмайди. Фойдаланилмаган мақолаларга эъза жавоб қайтарилмайди.